Ушбу сонда:
2 ЯГОНА ВАТАН ТУЙҒУСИ
3 TV – ДАСТУРИ
4 КУРАШИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 4 сентябр, шанба № 144 (1777)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«УНИВЕРСИАДА-2004» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар ва спорт мухлислари!

Сизларни гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида бошланаётган Ўзбекистон талаба ёшларининг спорт байрами - «Универсиада-2004» ўйинларининг тантанали очилиши билан самимий табриклайман.

Фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишда бизга энг яқин кўмакчи ва ёрдамчи бўлган жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Биз ана шу мусобақаларнинг фаол қатнашчиси бўлган сизлар каби минглаб шижоатли, жасур ва ўктам ёшларимиз тимсолида аввало юртимизда спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, спорт орқали ирода, мардлик ва матонат фазилатларини камол топтиришга қаратилган интилишларимизнинг амалий ифодасини кўрамиз.

Халқимизнинг ақл-заковати ва салоҳиятини жаҳон майдонларида намоён қилиб келаётган, жумладан, куни кеча Афинада бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида юксак муваффақият қозонган ёшларимиз ҳам мана шундай мусобақаларда, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадаларда тобланиб, маҳоратга эришаётгани барчамизни қувонтиради.

Бугун юртимизда ёш авлод камолоти, унинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун яратилган кенг имкониятлар ва уларнинг негизида қўлга киритилаётган ютуқлар истиқлолимизнинг халқимиз, ёшларимиз олдида қандай катта йўллар, янги уфқлар очиб бераётганини яна бир карра тасдиқлайди.

Азиз ўғил-қизларим, бугун сизларнинг бахтиёр чеҳрангизга боқиб, ғалабага бўлган иштиёқ ва интилишингизни кўриб, бўлажак беллашувлар кескин курашлар остида кечишини, ҳаяжон ва қувончларга бой бўлишини ҳис этиш қийин эмас.

Мен «Универсиада» ўйинларининг халқимизга хос бўлган ҳалоллик, одиллик ва тантилик руҳида ўтишига, муқаддас Самарқанд замини сизларнинг ҳар биригизга куч-қувват беришига, шу тупроқда яшаб ўтган Амир Темур каби буюк зотларнинг руҳлари сизларни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мусобақаларни ўтказиш учун замонавий иншоотлар бунёд этган қўли гул қурувчиларга, «Универсиада-2004» ўйинларини юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшган инсонларга, бутун Самарқанд аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт ва ёшлик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, қадрдон жамоангиз, ўз олий ўқув юртингиз шарафини ҳимоя қилишда, истеъдод ва маҳоратингизни рўёбга чиқаришда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мамлакатимизда учинчи маротаба ўтказилаётган универсиада мусобақалари нафақат унинг қатнашчилари, балки барча ёшларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Зукко ва билимдон, кураш майдонларида тобланган, ирода ва эътиқоди мустаҳкам, беллашувларда чиниққан ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикамизда уч босқичли узлуксиз таълим тизими яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг уч босқичдан иборат тизимига асос солингани эса мамлакатимизда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

БУГУН САМАРҚАНДДА «УНИВЕРСИАДА-2004» ОЧИЛАДИ



Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари - унинг биринчи бўғини. Иккинчи бўғин - академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари учинчи халқа - талаба ёшларнинг «Универсиада» мусобақаларига боғланган. Янги таълим технологияси сифатида эътироф этилган бу тизим бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари томонидан ўрганилмоқда.

Самарқанд аҳли универсиадага жиддий тайёргарлик кўрди. Мусобақаларнинг очилиш маросими ўтказиладиган йирик спорт мажмуи шаклшамойили, мазмун-моҳияти билан бетакрордир. Самарқанд давлат университети ҳузуридаги академик лицей ва спортга ихтисослашган педагогика коллежининг 2100 ўринли ўқув бинолари, тўртта замонавий спорт зали бунёд этилди. Уларда юзлаб ёшлар спортнинг йигирмага яқин тури билан мунтазам шуғулланишлари мумкин. Ўн беш минг томошабинга мўлжалланган стадион эса халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Сўғдиёна мавзесидаги очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, «Динамо», «Локомотив» стадионлари, университет ва институтларнинг спорт мажмуалари қайтадан таъмирланди.

Самарқанд вилоятида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён йигирмата янги спорт мажмуи қуриб битказилгани ва спорт анжомлари билан тўла таъминлангани, ўттизга яқин стадион қайта таъмирланиб, спорт ишқибозлари ихтиёрига берилгани бунинг далилидир.

2000 йил Наманган шаҳрида ўтган биринчи универсиадада 1778 талаба спортнинг тўққиз тури бўйича беллашган эди. Бухорода эса иштирокчилар сони салкам олти юз нафарга кўпайди. Универсиада дастурига сузиш, қўл тўпи, дзю-до ҳам қўшилгач, спорт турлари сони ўн иккитага етди. Вақт ўтган сари бу ўзига хос «кичик олимпиада» мукаммаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Бу йил иштирокчилар сони яна 332 нафарга кўпайди. Ўн икки спорт тури қаторига эса минифутбол, шашка ва самбо ҳам қўшилди.

Универсиада мусобақаларини икки юзга яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари ёритиб боради.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***Ф А Р М О Н И***

Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Доктуришивили Александр - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг юнон-рум кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

Таймазов Артур Борисович - «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Ибрагимов Мағомед Абдулмўминович - «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

Султонов Баҳодиржон Марибжон ўғли - Андижон давлат университетининг талабаси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Ҳайдаров Ўткирбек Абдужалилович - Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 сентябр

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга ўз номимдан ҳамда ватандошларим номидан самимий қутловлар йўллайман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб ўтган 13 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилди. Бу муносабатлар терроризмга қарши муштарак курашимизнинг салмоқли асосини ҳам яратади.

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни тобора жадаллаштириш ва демократияни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлашимни билдирмоқчиман.

Сизга ва оилангизга омонлик, сиҳат-саломатлик, ўзбек халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Хорст КЁЛЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллик куни муносабати билан Покистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига йўллаган энг самимий ва қизғин табрикларни қабул этгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин биродарлик муносабатлари бундан буён ҳам янгича кўтаринкилик ила ривожланиб бораверишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Генерал Парвез МУШАРРАФ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг навбатдаги санаси байрам қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан қизғин қутловлар ҳамда самимий тилаклар йўллашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрликка асосланган ҳамкорлик давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб бораверишига астойдил ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни, шунингдек шахсан Сизга омонлик, халқингизга эса муваффақиятлар ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Мегавати СУКАРНОПУТРИ,
Индонезия Республикаси Президенти

КОЛЛЕЖНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Янги ўқув йилида пойтахтимиздаги Республика тиббиёт коллежи биноси тубдан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Салкам уч минг нафар талаба таълим оладиган ушбу даргоҳда ҳамширалик иши, тиббий профилактика, фармация, лаборатория ташҳиси каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади. Бу ерда талабаларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Жаҳон андозалари даражасидаги спорт мажмуи, талабалар сиҳатгоҳи, компьютер хоналари барпо этилди. Ётоқхона, ўқув бинолари, мажлислар зали, аудиториялар, заҳира фонди қарийб қирқ беш минг китобдан иборат кутубхона тўла таъмирланди ва жиҳозланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИНГ НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5, 10-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Совпластитал» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган катта (600х600х1000мм) ва кичик (600х600х500мм) ҳажмдаги шаффоф сайлов қутиларининг намуналари парламент сайловида фойдаланиш учун маъқул деб топилсин (сайлов қутиларининг тавсифи илова қилинади).

2. «Совпластитал» қўшма корхонаси (А.Мелкумов) белгиланган намунадаги сайлов қутиларини зарур миқдорда тайёрласин.

3. Сайлов қутиларининг кўриниши ва ўлчамларига доир тегишли ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С.Ходжаева зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.МУСТАФОЕВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 август

Сайлов қутиларининг тавсифи

Сайлов қутиси зарбага бардош берадиган полистиролдан цилиндр шаклида тайёрланиб, унинг баландлиги (катта ҳажмдагиси) 1000 миллиметр ёки (кичик ҳажмдагиси) 500 миллиметрдан, диаметри эса 600 миллиметрдан иборат.

Сайлов қутиси олд томонида унинг ичи кўриниб туриши учун қалинлиги 2,5 миллиметрли органик шишадан ойнаванд қилиб тайёрланади. Ойна сайлов қутиси шаклига мос равишда эгилган тўғри тўртбурчакдан иборат бўлиб, катта ҳажмдаги қути ойнагининг баландлиги 800 миллиметр, эни 600 миллиметрга, кичик ҳажмдагисининг баландлиги 400 миллиметр, эни 600 миллиметрга тенг. Ойнак атрофи металл билан ҳошияланган. Ойнак ўртасига унинг юқори металл ҳошиясидан 50 миллиметр пастда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган.

Цилиндрнинг юқори гардишига сайлов қутиси қопқоғи ўрнатилади. Қопқоқ билан қути корпуси уч жойдан махсус сим ёрдамида сайлов комиссиясининг сурғучли муҳри билан муҳрлаб қўйилади. Сайлов қутиси қопқоғи сайлов бюллетенлари ташлаш учун тирқишга эга бўлади.

Цилиндр асоси корпусга махсус елим билан маҳкамланади.

Сайлов қутиси оч жигар рангга бўялган.



ОТА ЎРНИ ВА ИБРАТИ

Абдурасул биринчилардан бўлиб Мирзачўлга отланган фидойилардан. Суяги меҳнатда қотган, ёш бўлса-да, боғлар яратишга муносиб ҳисса қўшган йигитнинг ҳаёти қақроқ чўлда осон кечмади. Қиш изғиринлари, ёз жазирамаси иродасини синовдан ўтказди. Йиллар мобайнида ям-яшил арчазорлар, шафтолизорлар-у анжирзорларни кўмсаб яшади. Шўрхок ерда барча ҳавас қиладиган боғ яратишни дилига тугиб, қаттиқ меҳнат қилди. Қирқ йил ичида экинни чопиқ қилди, эгатларга сув таради, ҳосилни саранжомлашда иштирок этди. Бўш қолди дегунча, ўзи меҳр қўйган дов-дарахтлар атрофида парвона бўларди. Шу куйи ажойиб боғ барпо этилди.

Уни чўлда жаннат яратган инсон, дея таърифлашади. Қаранг, файзли хонадонда 150 хил мевали дарахтлар мавжуд. Хурмо, лимон, ҳатто, мурч дарахтигача бор. Дастлабки кезлардаёқ томорқадан олинган даромад бир неча миллион сўмни ташкил этди. Абдурасул ака бир нарсадан хурсанд: оиладаги 11 нафар фарзанд ўзи каби меҳнатга кўнгил қўйиб, оққўнгил, изланувчан, кўпнинг корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишишди. 8 ўғил, 3 қиз хонадон соҳибини қаттиқ ҳурматлашар, унинг ёнига кириб хайрли ишларни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишарди. Кўп ўтмай катта ўғли Баҳодир автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаси бўлди. Ўктамжон эса олти ака-укани ёнига олиб, фермер хўжалигини юрита бошлади. Хонадонда 45 қути асалари парваришланаяпти. Унга эрка ўғил Учқунжон масъул. Катта хонадон соҳиблари ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5 тонна шифобахш неъмат – асални бозорга чиқаришади. Эндиликда Назаровлар томорқаси ва фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўкон ҳам бор.

Ота ўзига, фарзандларига нисбатан ўта талабчан. Болалари нима билан машғул, қандай ўқияпти, бўш вақтини қаерда, ким билан ўтказаяпти ҳаммасидан хабардор. Вақти-вақти билан уларнинг мактабларида бўлиб, нуридийдаларининг юриш-туриши, муомаласи билан қизиқади. Бирортасидан кўнгли тўлмаса алоҳида назоратга олиб, ҳаётдан, одамийликдан сабоқ беради. Хонадон соҳиби хайрли ишга қўл урса фарзандлар ҳам ўша кунданоқ унинг ёнида ҳамкору мададкор. Ўтган йили биргалашиб қишлоқ чеккасидаги кўлмакзорни тозалаб, сувга тўлдириб, балиқчилик хўжалиги ташкил этишди. Шунда бутун қишлоқ аҳли интилганга толе ёр, деган нақлнинг мағзини чаққандек бўлди.

– Фурсат ғанимат, ҳар дақиқани зое ўтказма, ҳунар ўрган, заминни эъзозла, кўчат ўтқаз, боғ ярат, - дея таъкидлашдан чарчамайди Абдурасул ака. Катта оилада ўзбекона урф-одатлар, анъаналар чуқур илдиз отган. Фарзандлар ота-она иззатини жойига қўйишади. Эллик жон бир дастурхон атрофига жамулжам бўлиб, бир қозондан овқат ичишаётганини кўришнинг ўзи катта бир мактаб.

Хонадон соҳиби ғарқ пишган меваларга сеҳрланиб боқаркан, сўзида давом этди:

– Фарзандининг қалбида бунёдкорликка иштиёқ, ўз меҳнатидан завқлана олган ота-она асло кам бўлмайди. Кунларнинг бирида Мирзаобод туманидан ер олиб, фермер хўжалиги очсак, яхши бўларди, бунинг учун энди барча имкониятимиз бор, дея болаларимга юзланганимда улар эртасигаёқ шайланиб туриб олишди. Дастлабки кезлар кечаю кундуз тиним билмай ишладик. «Хумо» фермер хўжалигимиз тез ривожланди. Ўтган йили сархил неъмат етиштириш ҳисобидан 30 миллион сўм фойда олдик. Шунинг ҳисобидан уйлар қураяпмиз, тўйлар қилаяпмиз. Биз энди ҳақиқий мулкдормиз. Бу бахтни Истиқлол берди!

ФАРЗАНДЛАР КЎЗИНИ ЁШЛАБ

Қишлоқда яна бир хонадон бор. Лекин оила аъзоларининг боши эгик, юзлари шувит. Сабаби улар ишонган, суянган инсон тўғри йўлдан адашиб, номаъқул ишларга қўл урди. Оила бошлиғи – ота баджаҳл, терс, фарзандларига меҳр қўймаган, уларнинг тақдири ҳақида бош қотирмайдиган инсон бўлса, ёшларнинг шўри экан.

Нодир Маматқуловнинг беш фарзанди бор. Улар ҳам қўшнилари каби оталарини севишар, ишдан ҳориб-чарчаб келганида тўрга ўтказиб, хизматида бўлишарди. Бахтга қарши Нодирнинг феъл-атвори, интилишлари тамомила бошқача бўлиб чиқди. Яъни, оила, фарзанд олдидаги масъулиятни унутди. Ярим кечалари қаерлардадир тентираб, кимлар биландир ошно тутинди. Кейинчалик маълум бўлишича, хонадон соҳиби ярамас оқимлар таъсирига берилган экан. Ўзининг сафсаталари билан ёшлар онгини заҳарлашга интилаётгани учун тегишли идоралар, маҳалла фаоллари томонидан неча бор огоҳлантирилди. Лекин кўзи очилмади. Ниҳоят у адолатли тарзда тегишли жазосини олди. Инсонпарвар давлатимиз Нодир Маматқуловга ўхшаган йўлдан адашган, ярамас кимсалар таъсирига берилган кишиларга яна бир бор мурувват кўрсатди, имконият яратди. У жазони ўташ маҳкамасидан муддатидан илгари озод этилди.

Инсон оласи ичида, деган гап бежизга айтилмаган экан. Кўзим очилди, айбимни тушундим, энди ҳалол меҳнат билан ўзимни оқлайман, деган инсон яна нағма кўрсата бошлади. Уйда аҳиллик, ҳамжиҳатлик йўқолганди. Болалари уни кўриши билан жимгина хона-хоналарига кириб кетишарди. Рўзғордаги етишмовчилик, дўқ-пўписа, бақир-чақирлар ўғил-қизлар асабини эговларди. Улар шу даражада қийналиб кетишдики, суҳбатлашишингиз билан кўзларига ёш келади.

Нодир ўзини номозхон санар, гўёки мусулмончилик фарзини аъло даражада бажараётганди. Фарзандларини қақшатиш, уларнинг юзини шувит қилиш, оталик бурчини унутиш қайси мусулмончиликка тўғри келади ўзи? Энг ёмони Нодир яна ғаламислар комига тушди. Ярим кечада изғишлар бошланди. Бирон киши танбеҳ бергудек бўлса, балога қоларди. Кўча-кўйдагилар ундан росмана безиб қолишганди. Лекин унинг асл башараси прокуратура ва туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан уйи назоратдан ўтказилганда, ярамас ғояларни тарғиб қилувчи варақалар топилганида яна бир карра аниқ-равшан кўринди.

– Бундай инсон билан бир маҳаллада яшаётганимдан ғоятда афсусдаман, – дейди фуқаро Рауф Тангиров. – Нодир одамови, бировга қўшилмайдиган, маҳаллага бирон-бир нафи тегмаган, кўршапалакдек ҳаёт кечирадиган инсон. Ҳаммамизнинг ҳам юзимизни ерга қаратди.

Одамларни тушуниш мумкин. Сардобада яшовчи кўпчилик Нодир Маматқулов тўғри йўлни топиб олар, дея кўп бора яхшиликлар қилишди. Қўлларидан келган ёрдамни аяшмади. Лекин у чиркин фикрлар гирдобида чириб бўлган экан. Одам бўлмади. Ёш умрини хазон қилиб, фарзандларининг кўзини ёшлаб, гуноҳкор бандага айланди...

Юқоридаги икки оила, икки отанинг ҳаёти, оила, фарзанд ва жамият олдидаги бурчни қай йўсинда адо этаётганликлари ҳақидаги ҳикоя кимларгадир яхши мактаб бўлади, деган умиддамиз.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Демократия оиладан бошланади

II. МЕТАЛЛУРГЛАР ШАҲАРЧАСИ

Кейинги йилдаги муваффақиятлар салмоғи янада ортди. Янги фойдалафнишга топширилган шиша идишлар ишлаб чиқариш цехида, дастлабки 3 литр сиғимдаги идишлар тайёрланди. 1-таъмирлаш-механика цехининг рангли металлар қуйиш бўлими маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Шу йили кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига биноан 4-касб-ҳунар мактаби металлурглар коллежига айлантирилди. Илм даргоҳида кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Пўлат цехидан ташқарида ишлов бериш қурилмаси фойдаланишга топширилди. 2000 йилда эса «Ёшлар уйи» қайта қурилди. Кислород-компрессор цехида аргон гази ишлаб чиқарилди. Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи катта меҳнат зафарлари билан қаршиланди. Байрам арафасида 120 мм айлана ҳажмли пўлат соққалар ишлаб чиқариш стани қурилиши якунланди. Ундан бир йил ўтар ўтмас «ДСП-100 ЎМЗ» янги печ фойдаланишга топширилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ортди. Иқтисодиётдаги юксалиш маданий-маърифий тадбирлар ривожига ҳам асос бўлди. «Чимён-Чорвоқ» сув омбори бўйида 200 ўринли «Металлург» пансионати қурилди.

Умумий майдони 7 гектарни ташкил этадиган ишчилар пансионати биноси гўзал табиат қўйнида жойлашган. Шундоққина бино ойнасидан ажойиб манзара кўзга ташланади. Сокин сув сатҳи, тоғ тизмалари, атрофни ўраб олган қарағай, арча, мевали ва манзарали дарахтлар дилга роҳат бахш этади. Жаннатдек сўлим беш қаватли бу кўркам пансионатда металлурглар ва уларнинг оила аъзолари мириқиб дам олиб, саломатликларини тиклашади.

Ўтган йили корхонада оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Теннис корти ва сузиш ҳавзаларининг ишга туширилиши, айниқса, ёшлар учун қувончли бўлди.

Эҳ-ҳе қилинган ишлар салмоғи шунчалик кўпки, уларни санаб адо этиш мушкул. Аммо осонгина саналган ҳар бир эзгу иш ортида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат, сарф-харажат, қолаверса эл-юрт манфаати йўлида залворли саъй-ҳаракатлар бор.

Корхонамизда маънавият-маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилади. Чунки маънан етук ишчи «брак», маҳсулот ишлаб чиқармайди. Ўзи тайёрлаётган маҳсулот мамлакат иқтисодиётига нақадар зарурлигини дилдан ҳис қилади. Бу эса ишлаб чиқариш қувватини йилдан йилга ошишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йили 471,9 минг тонна пўлат қуймаси олинди. Буюртмачиларга 446,5 минг тонна прокат маҳсулотлари, шу жумладан 123,2 минг тонна пўлат соққалар жўнатилди. Маҳсулотларни экспорт қилиш икки бараварга ошди. Пўлат эритиш, прокат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ошиб бораётганлиги, сирланган идишлар тайёрлаш қайта йўлга қўйилганлиги ҳам ютуқлар омили бўлмоқда.

Инсон фақатгина меҳнат қилиш учун яшамайди, балки яхши яшаш, кўнгилли ҳордиқ чиқариб, фарзандлари камолини кўриш учун меҳнат қилади. Комбинатимиз ишчиларининг дам олиши, саломатлигини тиклашига алоҳида эътибор берилмоқда. Цехлардаги меҳнат ва дам олиш шароитлари ҳамиша назоратимизда. Қачонлардир металлурглар шаҳарчасида бор йўғи битта истироҳат боғи, қишки ва ёзги клуб бўлса, бугун металлургларнинг замонавий «Маданият саройи», «Ёшлар уйи», стадион, ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган спорт мажмуаси, теннис корти, бир-биридан

Ягона Ватан туйғуси

чиройли боғ ва хиёбонлар ишчилар хизматида. Комбинатимизнинг 60 йиллик тўйи куни ишга тушган «Севишганлар хиёбони» эса ёшларнинг севимли масканига айланган. Комбинатнинг электр билан пўлат қуйиш печи оператори Николай Марков ҳамда Алесия Ҳамидоваларнинг никоҳ тўйи хиёбоннинг очилиш маросимига уланиб кетди. Ҳа, сўнгги йилларда шаҳримиз қиёфаси тубдан янгиланди. Айниқса, Сирдарё соҳилида бунёд этилган қаҳвахона ва чойхоналар ишчиларнинг кўнгилли дам олишини таъминламоқда. Корхонанинг тиббий-даволаш бўлими, поликлиника, цехлардаги тиббиёт шохобчалари, «Металлург» пансионати, 100 ўринли санаторий-профилакторий меҳнаткашлар саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Президентимиз томонидан 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишларимизга қанот бағишлади. Конституция кунининг эртасигаёқ корхонамиз фаолларининг йиғилиши чақирилиб, металлурглар шаҳримизда яшаётган кам даромадли, ночор ва ногирон, якка-ёлғиз оилаларни оталиққа олиш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Ҳуқуқшунос, касаба уюшма ходимлари, мутахассислар жалб этилган махсус комиссия хулосасига кўра, шаҳримизда 132 та кам таъминланган, меҳр-мурувватга муҳтож оила борлиги аниқланди. Ўтган йили 29 декабрдан бошлаб ҳар ойда 950 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ана шундай оилаларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, режага қўшимча кам таъминланган оила фарзандларининг 180 нафари комбинат маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан «Цементчи» оромгоҳида бепул дам олдирилди. Ишчи-хизматчиларнинг 2107 нафар ўғил-қизлари эса сўлим оромгоҳларда 4 сменада ёзги таътилни мароқ билан ўтказдилар. Комбинат томонидан 5.665 минг сўмлик кийим-бош, ўқув қуроллари олиб берилди. Бу эзгу ишдан касаба уюшмалари ҳам четда қолмади. Ҳа, болалар келажагимиз. Уларни ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун ғамхўрлик қилиш эзгу ишларимиз сирасига киради. 2000 нафардан ортиқ болажонларни ўз бағрига олган 13 та мактабгача тарбия муассасаларида барча шарт-шароитлар яратилган. Мавжуд болалар боғчалари корхона таъминотида. Корхонамиз истиқболи бугун мактаб партасида ўтириб сабоқ олаётган болаларимизнинг саломатлиги ва иқтидорига боғлиқ. Шу боис шаҳримиздаги таълим муассасалари ишига алоҳида эътибор берамиз. Ўтган йили 16-мактаб қайта таъмирланиб, замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган бўлса, бу йил 3 та мактаб давр талабига мос, тўдан капитал таъмирланиб, замонавий илм даргоҳига айлантирилди. 2005 йилнинг охиригача шаҳримиздаги 17 та мактаб комбинатимиз ҳомийлигида тубдан қайта таъмирланади.

Нуронийлар фахримиз, ғуруримиз. Уларнинг бой ҳаётий тажрибалари ёшларга ўрнак. Комбинатимизда нуронийлар имтиёзга эга бўлган табақа ҳисобланишади. Уларга ғамхўрлик қилиш маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси эътиборида. Уларга санаторий-профилакторий, «Металлург» пансионати ва бошқа саломатликни тиклаш муассасаларига биринчи навбатда бепул йўлланмалар берилади, уй-жойлари таъмирланиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Фахрийлар учун қадимий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабзга саёҳатлар уюштирилади. Ҳар йили Металлурглар кунида узоқ йил корхонада меҳнат қилган нуронийларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Жорий йилнинг етти ойида 44 та уруш қатнашчилари, 155 та фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг ҳар бирига 90 минг сўмлик пул мукофотлари улашилиб, ҳар байрамда дастурхон ёзилади.

Аёл ўзи яшаётган жамиятнинг «барометри» деб тўғри айтишади. Корхонамизда ҳам аёлларнинг нуфузи баланд. Улар меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Аммо аёл аввало она, оила бекаси, уни ҳамиша эъзозлаш, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур. Бу борада корхонамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик арафасида аёлларимиз учун яна бир қулайлик яратилди. Эндиликда уларнинг меҳнат таътилига уч кун қўшимча ҳақ қўшиб берилади.

Хуллас, корхонамизда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг барчаси Ватанимиз истиқболига қаратилган. Металлургларимиз бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистонимиз бойлигига бойлик қўшиб, унинг қудратини янада юксалтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўша верадилар. Зеро, Амир Темур бобомиз айтганларидек, қудратимиз бажарган залворли ишимизда намоён.

Икром ҚУРБОНОВ,
Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Тайлоқ туманидаги 135 минг аҳолининг 65 минг 611 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида фаол иштирок этиб, туман ривожи учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

– Туманимиздаги ҳар бир аёл ўз касбида эркаклардан қолишмай меҳнат қилмоқда, - дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Мўътабар Йўлдошева. – Меҳнат фахрийси Муҳаббат Жўракулова, Клара Шарипова, Ўлмасой Сатторова, Сайёра Бегимова, Зулфия Пардаева, Гулнора Вахобова, Фотима Жулбекова, Шарофат Каримова, Мунира Мовлонова ва бошқа кўплаб хотин-қизларимиз ишда ҳам уйда ҳам ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

Суратларда: тайлоқлик тадбиркор аёллар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

МАКТАБГА 15 МИЛЛИОН СЎМЛИК КОМПЬЮТЕР

Наманган вилоятида янги ўқув йилига таълим-тарбия даргоҳларида пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан Чуст туманида мавжуд 48 мактаб пухта таъмирдан чиқарилди. 2-, 6-, 10-, 15-, 19-; 35-, 50-мактаблар тўла таъмирланди. Бу мақсад учун 61 миллион сўмлик бюджет маблағи ажратилди. Ҳомийлар ҳам қараб туришмади. Улар кўмаги билан 42 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бекаму-кўст бажарилди.

Янги ўқув йилида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари алоҳида ғамхўрлик қуршовига олинади. Осиё тараққиёт банки кўмаги билан чустлик ана шундай жажжи кичкинтойларга 6 миллион 456 минг сўмлик ўқув дарсликлари, 1 миллион 400 минг сўмлик миллий истиқлол ғояси ва маънавият асосларига оид адабиётлар тортиқ қилинди.

Таълим ва фан ходимлари Норин туман касаба уюшмаси ҳам кам таъминланган оилаларнинг 41 нафар фарзандларига совға улашди. Шуниси характерлики, мазкур туманда ҳам оммавий-сиёсий, жорий тадбирларини ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Тумандаги 39-мактаб ўқувчилари «Конституцияни ўрганамиз» республика кўрик-танловида мутлақ ғолиб деб топилиб, 15 миллион сўмлик компьютерлар билан тақдирланишди.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Андижонда ҳудудий семинар

«ЎЗДЭУ — АВТО» ИБРАТИ

Мустақиллик йилларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг чинакам кафолатланган изчил тизими яратилди. Буни Асакадаги «Ўз ДЭУ–авто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси мисолида кўриш мумкин. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон дунёдаги автомобил ишлаб чиқарадиган 26 та давлатнинг бирига айланди.

Қисқа муддат-3 йил ичида автомобил индустриясининг барпо этилиши мамлакатимизнинг нафақат техника-иқтисодий қудратини, балки келажагини белгилаб берди. Корхона ишга тушган дастлабки йилда конвейрдан «Тико», «Дамас» русумли автомобиллар чиққан бўлса, ҳозирда бу ерда «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Ласетти» автомобилларидан йилига 40 минг дона чиқарилмоқда.

Қувончлиси корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб бормоқда. Бугунгача 32 минг 700 дона машина хорижга сотилди. «Матиз» ва «Ласетти» машиналарига 2003 йилда халқаро сифат сертификати берилди.

Корхонада 3383 нафар киши меҳнат қиляпти. Шу боис бу ерда инсон омилига, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига устувор йўналиш сифатида қаралади. Меҳр ва мурувват йилида ишчиларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ўртача маош ўтган икки йил ичида 57 минг сўмдан 140 минг сўмга кўтарилди. Ишчилар 2 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Ошхона, тиббиёт хонаси, замонавий спорт заллари улар хизматида.

Яқинда Андижонда бўлиб ўтган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга бағишланган республика касаба уюшмаларининг ҳудудий семинарида мустақиллик даврида эришилган ана шу улуғвор ўзгаришлар тилга олинди. Йиғилишда касаба уюшмалари ҳудудий ҳамда тармоқ Марказий қўмиталарининг бўлим мудирлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Э. Ёқубов анжуманни кириш сўзи билан очди. «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхона ижрочи директори Исроилжон Ахмаджонов жамоанинг муваффақиятлари ҳақида гапириб берди. Касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов жамоа шартномаси орқали ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаши, меҳнат муҳофазаси мутахассиси Руслан Вон соғлом, хавф-хатарсиз иш ва маиший шарт-шароитларнинг яратилиши, корхона хотин-қизлар қўмитаси раиси Маъмура Исмоилова аёлларни давлат ва жамият - ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш ҳақида маъруза қилдилар.

Меҳмонлар корхонага бутловчи қисмлар етказиб бераётган «ЎзДОНГ-ВОН», «Ўз Корам» ва «ЎзДОНГ ЖУ Пейнт» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхоналарида бўлдилар. Сафар мобайнида улар ушбу корхоналарда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашдаги фаолияти билан танишдилар. Иккинчи кун семинар вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг мажлислар залида ўз ишини давом эттирди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Қ.Парпиев жамоа шартномалари воситасида меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоялашда андижонлик касабачиларнинг ибратли ташаббуслари ҳақида гапирди. Ўзбекистон КУФК бўлим мудири М. Исаев, бош йўриқчи Г. Гаффоров меҳнат муҳофазасини яхшилашнинг йўл-йўриқлари ҳақидаги давра суҳбатида иштирок этдилар.

Андижонлик касаба уюшмалари фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашдаги иш тажрибаларини кенг оммалаштириш бўйича тавсиялар бериш билан семинар ўз ишини якунлади.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашларида

Бугунги кунга келиб, Тошкент вилоятидаги касаба уюшма ташкилотлари тасарруфида бир нечта маданият уйи ва клублар, кутубхона ҳамда автоклуб фаолият кўрсатмоқда. Улар ёрдамида меҳнаткашларнинг маънавий ва маданий савиясини оширишда бир мунча ишлар амалга оширилди.

КЛУБ ВА КУТУБХОНАЛАР
фаолиятига бир назар

Меҳнаткашларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий оламини янада кенгайтириш мақсадида барча ҳудудларда семинарлар ташкил этилиб, уларда «Маънавий-маърифий соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари», «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда касаба уюшмаларининг ўрни», «Иқтисодий муаммолар: ислоҳотлар ва изланишлар» мавзуларида маърузалар тингланди. Бу анжуманларда 2 минг нафардан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари иштирок этдилар.

Кези келганида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, маблағ етишмаслиги сабабли кейинги йилларда айрим маданият муассасаларида қисқаришлар юз берди. Лекин фаолият юритишга астойдил ҳаракат қилган ташкилотларда амалий ишга қўл урилиб, яхши натижалар қўлга киритилаётир. Олмаликдаги «Аммофос» корхонасининг «Кимёгар» маданият саройи 1983 йилда қурилган. Лекин саройдан унумли фойдаланиш учун маблағ йўқ. Шунинг учун маданият саройи маъмурияти касабақўм билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ пулли тўгараклар, хизматлар ташкил этди. Натижада маданият саройини таъмирлаш ва фаолият юритиши учун маблағ топилди. Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» корхонасининг «Кимёгар» маданият саройида ҳам асосан пуллик хизматлар, тўгараклар ташкил этилган. Ўзбекистон ва Олмалиқ тоғ металлургия комбинатлари маданият саройларида меҳнат қилаётган кишилар ойлик маошларини касабақўм ҳисобидан олмоқдалар.

Кутубхоналарни мустақиллик йилларида чоп этилган китоблар билан бойитиш, китобхонларни жалб этиш, турли кўргазмалар, суҳбат ва учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, ўтган йил давомида кутубхоналарга жами 3 миллион 862 минг сўмлик китоблар сотиб олинди. Шунинг 3 миллион 18 минг сўми касаба уюшмалари маблағидан бўлди. Ёқилғи, энергетика, геология ва кимё саноати тизимидаги кутубхоналар учун 175 минг 760 сўмлик, агросаноат мажмуи тизимидаги кутубхоналар учун 315 минг сўмлик китоблар харид қилинди. Лекин, «Чирчиққишлоқмаш», «Бекободцемент», Тўйтепа метал қурилмалари корхонаси кутубхоналарига корхона маблағидан ҳам, касабақўм маблағидан ҳам бирорта китоб олинмади.

Олмалиқ тоғ металлургия комбинатининг «Металлург» маданият саройида ҳозирги кунларда 26 та тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Эстрада ва рақс гуруҳларининг, хор жамоасининг, цирк гуруҳининг ҳар йили комбинат ишчи-хизматчилари олдида ҳисобот концертлар беришлари анъанага айланган. 2002 йилда корхона маблағи ҳисобига маданият саройига компьютер, видеокамера, видеопроектор, гуруҳлар учун костюмлар сотиб олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоят, туман, шаҳар қуйи жисмоний тарбия жамоаларида турли спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этилди. Бу йил Навоийда ўтказилган республика аёллар спартакиадасида ва Андижонда ўтказилган белбоғли кураш мусобақасида вилоят жамоаси 3-ўринни эгаллади. Давлат дастурига кирган «Алпомиш ва Барчиной» тест синовлари аста-секин аҳолининг қуйи қатламларига кириб бормоқда.

Вилоят бўйича оммавий спортга жалб этилганлар сони 46 минг нафар кишидан ошиб, шулардан ярмидан кўпи 7 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўспирин ёшлардир.

Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмаларига қарашли 9 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Буларда 3 мингдан ортиқ бола спортнинг 23 тури бўйича шуғулланиб келмоқда. 2004 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида БЎСМ мураббийлари томонидан 1 та халқаро тоифадаги спорт устаси, 2 та спорт устаси, 28 та спорт усталигига номзод, 33 та 1 тоифали спортчи ва 282 та оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Энг катта ютуқ бу Афинада ўтган Олимпия ўйинларига Тошкент вилоятидаги касаба уюшмалари тизимидан 5 спортчи қатнашди. Булар - эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони, Тошкент туманидан Дилшод Мансуров, дзюдочилар, Осиё чемпиони чирчиқлик Эгамназар Акбаров ва Осиё биринчилиги совриндори Мурод Каникулов, стол тенниси бўйича Осиё биринчилиги совриндори Манзура Иноятова, сузиш бўйича осиё чемпиони олмалиқлик Сергей Цойлардир.

Шундай ютуқлар билан бир қаторда айрим бошланғич ташкилотларда маданий-оқартув ва спорт ишларига йўналтирилган касаба уюшма маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ёки белгиланган меъёрда фойдаланмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Жумладан, 2003 йил агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Зангиота туман қўмитаси спорт тадбирларига сметадаги 20 фоиз ўрнига 8 фоиз, соғлиқни сақлаш ходимлари Пскент тумани бўйича вакиллигида оммавий тадбирлар учун 721,6 минг сўм ишлатилгани ҳолда спорт тадбирлари учун умуман фойдаланилмаган.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг V Пленумида ҳам ана шу масалалар, муаммолар ечими ҳақида алоҳида гап борди.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

ҒОЛИБЛАРГА СОВҒАЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва ижроия қўмитаси томонидан ўтказилган республика кўрик-танлови якунланди. «Энг намунали туман кенгаши», «Энг намунали шаҳар кенгаши», «Энг намунали бошланғич ташкилот» йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари соҳасидаги беллашувда Самарқанд банк коллежи, Термиз академик лицейи, Шаҳрисабз педагогика иқтисодиёт коллежи ғолиб деб топилди.

Олий таълим муассасалари йўналишида эса Тошкент автомобил йўллари институти биринчи даражали диплом, аудиомагнитафон билан тақдирланди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон технологиялари асосида амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. Электрон библиографияси, электрон каталог каби йўналишлар эса ўзининг дастлабки ижобий натижасини бермоқда.

Зиё масканида махсус автоматлаштириш ва ахборот технологиялари бўлимининг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Мазкур янги бўлим интернет ва компьютер технологиялари билан жиҳозланиб, автоматлаштириш жараёнлари билан шуғулланмоқда.

Келгусида қайта таъмирлаш бўлимини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Техник лабораториянинг очилиши ҳам кутубхона фаолиятини замонавийлаштириш имконини беради.

А.АЛИЕВ

Меҳнат муҳофазаси

ТЕХНИК НОСОЗЛИК ОҚИБАТИ

Истиқлолдан сўнг ёшларнинг келажакда ўқимишли, бирон касб-ҳунар эгаси сифатида вояга етишлари ҳақида ғамхўрлик ҳар қачонгидан кучайди. Хусусан, чекка қишлоқларда коллеж ва шу йўналишдаги касб-ҳунар мактаблари бинолари барпо этилмоқда. Буни Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда вилоятнинг қайси бир туманига борманг, катта шаҳарлардаги каби энг замонавий меъморчилик талаблари асосида қад кўтараётган ўқув масканларини кўрасиз. Наманган туманининг Тепақўрғон қишлоғида барпо этилаётган коллеж биноси ҳам шулар қаторига киради. Умумий қиймати 2,5 миллиард сўмлик ушбу улкан қурилиш иншоотидаги ишларни амалга ошириш учун 148-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма бош пудратчи этиб белгиланган.

Одатдагидек 16 июн куни ҳам иш ҳар қачонгидек авжида, қурувчилар белгиланган кунлик режани уддалаш учун куч-ғайрат билан ишлашарди. Бетончилар Сайфиддин Зиёвиддинов ва Шавкат Юнусовлар вақт кеч бўлишига қарамай, мўлжалланган ишни адо этиб қўйишни мақсад қилишганди. Минорали кран бетон қоришмани пастдан кўтариб иккинчи қаватга чиқариб тўхтаганида, ҳар икки ишчи юкка қўлларини тегизишлари ҳамон фожеа юз берди.

Табиийки, атрофдагилар бундан шу он хабардор бўлдилар ва йиғитларни тезлик билан шифохонага етказиш чорасини кўришди. Афсуски, юқори кучланишли электр токи ўз таъсирини ўтказиб бўлган эди. 1977 йилда туғилган Зиёвиддинов «Тез тиббий ёрдам» автомашинасида шифохонага етиб бормасидан вафот этди. Шифокорларнинг шошилинч кўрган чоралари туфайли шеригининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Мингбулоқ туманининг А.Темур номли ширкат хўжалигида ҳам ана шундай оқибати ўлим билан тугаган кўнгилсиз ҳодиса содир бўлди. Хўжалик ўз вақтида электр энергиясидан қарзини тўламаганлиги сабабли унинг дон сақлаш омборига уланган қисмини ажратиб қўйиш учун берилган топшириқни бажариш чоғида электромонтёр Ғофуржон Маҳкамов вафот этган.

- Тилга олиб ўтилган ҳар икки вобгарларга жарима қўлланилди.

Иккинчи ҳолат бўйича — электромонтёр Ғофуржон Маҳкамов ҳалокатида гуруҳ раҳбари Ш.Турсунқуловнинг айби бор. Аввало, у уста сифатида хавфсиз ва бехатар ишни ташкил этиш учун масъул шахс ҳисобланади. Лекин у назоратни сусайтириб юборган. Шунинг учун электромонтёр электр токи хавфсизлик чораларини эсдан чиқариб қўйган. Ш.Турсунқуловга нисбатан интизомий чора кўрилиб, у билан маъмурият ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Шунингдек, туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Эркин Аҳмаджоновга нисбатан ҳам шундай жазо қўлланилди. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратурасида тергов ишлари олиб борилмоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, масъул шахслар ўз ишларига масъулият билан муносабатда бўлишганда эди, икки йигит ўн гулидан бир гули очилмасдан ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўларди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

TV дастури
6-12 сентябр
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Кусто командасининг сув ости сарузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «Бизнес ҳафта».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Қишлоқ ҳаёти».
12.30 «Дастурхон атрофида».
12.40 «Истиқлол тароналари».
12.55 Х. Даврон. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.
13.55, 15.40 ТВ клип.
14.10 «Агар-ки огоҳ сен».
14.25 Кундузги сеанс: «У замонлар ўтиб кетган». Бадиий фильм.
15.50 «Тиббиёт одимлари».
16.05 «Яхшилик».
16.40 «Афина - 2004».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Экран хандаси».
18.40 «Ҳаёт ва қонун».
19.00 «Универсиада-2004» спорт ўйинлари кундалиги.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.35 «Келин-куёв».
22.35 «Стандарт ва сифат».
22.45 «Қисмат». Телесериал. 1-қисм (Япония)
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Давр» ҳафта ичида.
16.30, 19.45, 22.40 ТВ-анонс.
16.35 Жаҳон жуғрофияси.
17.25 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Хива гиламлари».
17.35 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
17.55 «Мульттомоша».
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»- репортаж.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Сув - ҳаёт манбаи.
20.05 Бешинчи ютуқлар ўйини: Ажойиб ёзни «NESTLE PURE LIFE» ичимлик суви билан ўтказ.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Олис манзиллар.
21.50 Олтин мерос.
22.45 .«Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Мурувват».
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
22.30 «Ёшлар даврасида».
22.50 Кинонигоҳ. «Есения». 1-2-сериялар.
00.50-00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.25 «Спортимиз маликалари».
9.40 «Универсиада-2004» спорт ўйинларида (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
13.00-14.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Универсиада-2004» ўйинларида.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Универсиада-2004» ўйинларида.
23.00 Хоккей. Жаҳон кубоги.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

СЕШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Кусто командасининг сув ости сарузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.25 «Нурли манзиллар».
9.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Най».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Дон Кихот болалари». Бадиий фильм.
11.35 «Рангин дунё».
11.55, 14.40 ТВ анонс.
12.05 «Ҳаёт ва қонун».
12.25 «КиноТеатр».
12.45 «Ўзбекистон бастакорлари».
13.00 Х. Даврон. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 2-қисм.
14.10 «Муносабат».
14.45 «Бу турфа олам».
15.35 Мусиқий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
15.45 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Кувноқ стартлар».
16.45 «Универсиада-2004» спорт ўйинлари кундалиги.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ клип.
18.10 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
18.20 «Остонаси тиллодан».
18.40 ТВ-синов.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.35 Бир жуфт қўшиқ.
21.45 «Сиёсат оламида».
22.05 «Хониш». Мусиқий дастур.
22.35 «Қисмат». Телесериал. 2-қисм.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45 -23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
8.50, 19.50, 22.40 ТВ анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Давр»- репортаж.
9.35 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.15 Бизнес-академия.
10.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.25 Олис манзиллар.
11.45 «Дороти Оз мамлакатида». Мультфильм.
12.10, 18.25 Ёшлар овози.
12.30, 20.00 Мусиқий лаҳзалар.
12.40 Замондошларим.
13.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Дон Кихот». Телесериал. 1-қисм.
14.10 «Чортоқ«. Манзарали фильм.
14.20 Интерфутбол.
16.10 «Куюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.45 Ёшлар куйлаганда.
18.05 1001 маслаҳат.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»-интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.10 Кулгуч.
20.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал (якунловчи қисм)
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Сув балоси». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18.30, 20.00, 20.50, 21.55 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТVда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Билим» телеклуби.
21.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.15 «Инсон ва қонун».
22.35 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
23.15 Кинонигох: «Ўғирланмаган келин». 1-қисм.
00.50-00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 Теннис. US Open.
9.30 «Универсиада-2004» ўйинларида (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
13.00-14.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Универсиада - 2004» ўйинларида (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Универсиада - 2004» ўйинларида.
19.00 «Универсиада-2004» Республика талаба ёшлари спорт ўйинларининг ёпилиш маросими.
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
21.00 «Хабарлар».
21.15 Теннис бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими.
22.15 «Қора кузғун». Сериал.
23.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ЧОРШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли телесериал.
9.25 «Остонаси тиллодан».
9.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Алла».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Рикки-Тикки-Тави». Бадиий фильм.
11.40 «Қалб гавҳари».
12.05 «Сиз соғинган оҳанглар».
12.25 ТВ анонс.
12.30 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
13.00 Х. Даврон. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 3-қисм.
14.10 Универсиада-2004». Республика талаба ёшлари спорт ўйинларининг ёпилиш маросими (Ёзиб олинган)
15.40 Мусиқий танаффус.
15.50 «Сиёсат оламида».
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Рақснинг сеҳрли олами».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 «Қўш қанотлар».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
18.45 «Яхшилар ёди».
19.05 «Агар-ки огоҳ сен».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Солиқ хизмати хабарлари.
21.10 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.40 Мусиқий альбом.
21.50 «Фарз ва қарз».
22.10 «Қисмат». Телесериал. 3-қисм.
22.55 «Оҳанглар оғушида».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси:

Дунё ва болалар.
8.50, 10.20, 12.25, 15.55, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал (якунловчи қисм)
10.05 «Давр»-интервью.
10.25 Бегойим.
10.45 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
11.45 «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон - қурилишлар мамлакати». Видеофильм.
12.05 Замондошларим.
12.30, 19.40 Мусиқий лаҳзалар.
12.40, 18.15 Ёшлар овози.
13.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Дон Кихот». Телесериал. 2-қисм.
14.25 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
14.45 Жаҳон жуғрофияси.
15.35 Қўли гул уста.
16.10 «Еттинчи жин». Бадиий фильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.35 Тенгдошлар.
17.55 Сийрат.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.50 Ўзимизники.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Coscom» хабарлари.
20.15 Очил дастурхон.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Жюли Леско». Телесериал.
21.30 Ҳаёт давом этади.
21.45 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм 1-қисм.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 20.50, 21.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТVда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Ҳимоя».
21.10 «Мусиқий меҳмонхона».
21.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.10 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
22.50 Кинонигоҳ: «Ўғирланмаган келин». 2-қисм.
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Спорт клуб».
9.10 «Клон». Сериал.
10.20 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
13.00 «Болалар спорти».
13.15-13.50 «Кувноқ стартлар».
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора кузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим: Майдон ортидаги одам».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Олимпиада-2004» ҳазиллари.
21.55 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ПАЙШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зумрад шаҳар - Шаҳрисабз».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Тақдири азал». Бадиий фильм.
11.30 «Яхшилар ёди».
11.50 ТВ клип.
12.05 «Ҳаракатда - баракат».
12.20 «Санъатга бахшида умр».
12.40 «Дунё бўйлаб».
13.00 Х. Даврон. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм.
14.10 «Фарз ва қарз».
14.30 Кундузги сеанс: «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.40 «Мувозанат».
16.00 «Парле ву франсэ?»
16.20 «Ибн Сино ҳақида ривоят». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Агар Сиз».
18.35 Мумтоз наволар.
18.45 «Зийнат».
19.05 «Маслак ва мақсад».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.35 Бир жуфт қўшиқ.
21.45 «Журналист таҳлили».
22.05 «Қисмат». Телесериал. 4-қисм.
22.50 «Оҳанглар оғушида».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50, 13.10, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Жюли Леско». Телесериал.
10.05 «Чумчуқвой». Мультфильм.
10.15 «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм. 1-2 қисмлар.
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.40 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.10 Замондошларим.
12.30, 20.00 Мусиқий лаҳзалар.
12.40, 20.10 Ёшлар овози.
13.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.30 «Дон Кихот». Телесериал. 3-қисм.
14.15 Ўзимизники.
14.25 Фарзандим-жигарбандим.
15.15 «Coscom» хабарлари.
15.20 Сийрат.
15.40 Озод юрт фарзандлари.
16.15 Очун.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 Болажон.
17.00 Меҳмонхона.
17.20 Умид ғунчалари.
17.40 Ёшлар куйлаганда.
18.00 Ғазал соғинчи. Алишер Навоий.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»-интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.30 Минг бир ривоят.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Жюли Леско». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Юзма-юз». Бадиий фильм.
0.15 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм 2-қисм.
1.00-1.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Эл хизматида».
21.10 «Бурч ва масъулият».
21.50 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
22.30 Кинонигоҳ: «Эҳтиёт бўлинг, йўлда пул».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 «Федерация фаолияти».
10.00-13.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
18.00 «Клон» Сериал.
19.00 «Қора кузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Спорт - клуб».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Универсиада-2004» якунлари. (Кураш).
21.45 «Нокаут».
22.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ЖУМА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Гўзаллик оламида».
Болалар сайёраси:
8.50 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
11.15 «Агар Сиз».
11.40 А. Навоий номидаги академик катта опера ва балет театри хонандалари куйлайди.
12.05 «Маслак ва мақсад».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Зийнат».
12.50 Х. Даврон. «Жалолиддин Хоразмшоҳ. Телеспектакль. 5-қисм.
14.10 «Журналист таҳлили».
14.30 ТВ клип.
14.40 «Оламни асранг!»
15.00 Кундузги сеанс: «Доно Мондухай хоним». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.00 «Созлар садоси». Мусиқий дастур.
16.20 «Ибн Сино ҳақида ривоят». 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 Эстрада тароналари.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.15 «Муносабат».
21.45 «Ўлмас наволар». М. Каримов.
22.00 «ЎзДЭУавто Сиз учун».
22.15 «Меҳрга ташна». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот-дайжест».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 Меҳмонхона.
8.50, 12.00, 13.10, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Жюли Леско». Телесериал.
10.10 «Давр»-интервью.
10.25 1001 маслаҳат.
10.45 «Баланд тоғлар остида». Телевизион бадиий фильм. 3-4 қисмлар.
11.45 Гулғунчалар.
12.05 Тенгдошлар.
12.25 Сув - ҳаёт манбаи.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.30 «Дон Кихот». Телесериал. 4-қисм.
14.15 Мезон.
14.35 «Тезлик». Бадиий фильм.
16.10 Ғазал соғинчи. Алишер Навоий.
16.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Номаълум Қизилқум».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
17.20 «Мульттомоша».
17.45 Қуёшли юрт одамлари.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Томир.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Солиқ хизмати хабарлари.
19.45 Саёҳатнома.
20.15 Чегарачи.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Жюли Леско». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Кинотакдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.45-0.50 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18.30, 20.00, 21.00, 22.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Саодат калити».
21.20 «Дорихона эшитади».
22.10 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
23.10 Кинонигоҳ. «Ноттинг Хилл». 1-2-қисмлар.
1.10-1.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 «Дунё манзаралари».
10.00-13.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Дадиллик учун соврин».
18.45 «Спорт антракт».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Ўзгача ҳаёт».
20.50 «Спорт клуб».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Универсиада-2004» якунлари. (Футбол).
21.35 «3-тайм».
21.50 «Спорт клуб» Ринг.
22.20 Хоккей. Жаҳон кубоги.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ШАНБА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Элликқалъа».
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.50 «Зиё» студияси намойиш этади: Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.10 «Мусиқа дунёси».
10.30 «Солиқ хизмати хабарлари».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Тафсилот».
11.50 «Қайсар қизнинг қуюлиши». Бадиий фильм.
13.35, 16.25 ТВ анонс.
13.40 «Хониш». Мусиқий дастур.
14.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Бизнен мирас».
15.10 «Барби ва қарсилдоқ«. Мультфильм.
16.30 «Ўзбекистон - қўшиқ байрами».
16.50 «Табиат шифохонаси».
17.00 «Шеърга кўчган кўнгил».
17.15 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
17.45 «Қалб гавҳари».
18.05 Мусиқий альбом.
18.10 «Қишлоқ ҳаёти».
18.30 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.10 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Гап чикди».
21.45 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.00 «КиноТеатр».
22.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Келин-куёв». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
8.50, 20.20, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Жюли Леско». Телесериал.
10.10 Томорқа.
10.20 Табобат оламида.
10.45 Томир.
11.05 «Қаҳқаҳа» театр-студияси намойиш этади.
11.30, 19.45 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 Чегарачи.
12.00 Кутилмаган меҳмон.
12.25 «Аловуддин». Мультфильм.
14.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.25 «Обид-шоу» саҳифаларидан.
15.15 Интерфутбол.
16.55 «Жаҳон мусиқа хазинаси» туркумидан: Муяссар Раззоқова. 1-қисм.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси. Бўш ўтирма.
18.25 Дунё ажойиботлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.55 Ҳаёт қадри.
20.25 Оҳанрабо.
21.05, 22.35 Эълонлар.
21.10 «Фаришталар шаҳри». Бадиий фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 «Фаришталар шаҳри». Бадиий фильм (давоми)
23.50-23.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.50 «Мультчархпалак».
18.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.30 «Жаҳон географияси».
19.00, 20.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Экран зийнати ва қиймати».
19.40 «Афиша».
20.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.40 «Мисли гавҳар».
21.00 «Нима учун?»
21.30 «Биргаликда куйлаймиз».
22.10 Кинонигоҳ: «Оқшом чоғи арши аълода».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 Мультфильм.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Спорт - менинг ҳаётим».
9.50 «Соғломлаштирувчи йога». Инглиз тилида.
10.00-13.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади).
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 Теннис бўйича Осиё чемпионати (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?».
20.00 «Время».
20.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Ток-шоу.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Универсиада-2004» якунлари. (Дзюдо).
21.45 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ЯКШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 Вилоят хонандалари куйлайди.
12.30 «Лаззат сеҳри».
13.00 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
13.40 «Аёл қалби наволари».
14.00 «Қорақалпоқнома».
14.20 «Гап чикди».
15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангиқамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чинсэн».
16.20 «Антиқа томоша».
16.50 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.55 ТВ -Синов.
18.00 «Рангин дунё».
18.20 «Иқтидор». Телеўйин.
19.05 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 2004 йил - «Меҳр ва мурувват йили». «Яхшилик».
21.45 Эстрада тароналари.
22.05 Телевизион миниатюралар театри.
«Якшанба кинозали»:
22.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Кемадан ташқарида». Бадиий фильм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси. Бўш ўтирма.
8.55 Иқлим.
9.00 «Давр»-репортаж.
9.10 Очил дастурхон.
9.30 «Ренард исмли тулки». Мультфильм.
10.45 Оҳанрабо.
11.25 Чемпион сирлари.
11.45 Аскар мактублари.
12.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.55 Ёшлик наволари.
13.05 «Жуманжи». Бадиий фильм.
14.50 Дунё ажойиботлари.
15.00 «Момо ер». Илмий-оммабоп фильм.
15.50 Ринг қироллари.
16.40 «Жаҳон мусиқа хазинаси» туркумидан: Муяссар Раззоқова. 2-қисм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
18.05 «Қулупнайнинг туғилган куни». Мультфильм.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Сув - ҳаёт манбаи.
19.30 Абдулла Қурбонов куйлайди.
19.50 Кулгуч.
19.55 «Қилни қирқ ёриб. »Интеллектуал ўйин.
20.45, 22.30 Эълонлар.
20.50 «Пастга қарама». Бадиий фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 «Пастга қарама». Бадиий фильм.
23.15-23.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани.
17.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.30, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «Жаҳон географияси».
20.10 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
21.00 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.40 «Дугоналар».
22.00 «TV плюс».
22.30 Кинонигоҳ. «Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Полвон бўлмоқчиман».
9.10 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари»
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10-15.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати. Финал.
16.40 Кўрсатувлар тартиби
16.45 «Хабарлар». (рус тилида).
17.00 А.Фрейндлих ва А.Мягков «Ишдаги ишқ можароси» фильмида.
20.00 «Время».
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим: Захирадаги спортчи».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Универсиада-2004» якунлари. (Баскетбол).
21.45 Теннис бўйича Осиё чемпионати финал ўйинлари ва тантанали ёпилиш маросими.
22.45 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

Бугун Самарқандда «Универсиада-2004» мусобақалари очилади

ЁШЛАРНИНГ БЕТАКРОР СПОРТ БАЙРАМИ

Башарият тарихига тенгдош қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд бугун талаба спортчиларни ўз бағрига олди. Бу шаҳри азимда «Универсиада-2004» мусобақалари старт берилди. Бундай улкан спорт байрами, ҳеч шубҳасиз, юртимиз мустақиллигининг тинчлиги ва иқтисодий барқарорлигининг шарофатидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт бекиёс даражада ривож топди. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, баркамол авлодни шакллантиришда спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» деб номланмиш уч босқичли спорт мусобақалари тизими таркиб топди. Болалар спорти кенг қулоч ёйди. Бундай изчиллик ўз самарасини берди. Сидней, Афина Олимпиадаларида спортчиларимиз шоҳсупанинг энг юқори поғоналарига кўтарилишди. Самарқандда бошланаётган «Универсиада» мусобақалари янги-янги спорт юлдузларини кашф этиши шубҳасиз.

Бухородаги мусобақалардан сўнг «Универсиада» байроғи Самарқандга топширилган кунданоқ тайёргарлик ишлари авж олдирилди. Мавжуд спорт иншоотлари имкониятлари ўрганилди. Афсуски, шароит ҳаваскорлик спорти талабларини қондира оларди, холос. Шунинг учун жаҳон андозаларига мос, замонавий спорт иншоотлари қурилди. Буларнинг энг каттаси «Даҳбед» марказий спорт мажмуидир. Бу ерда футбол майдони, гимнастика, қўл тўпи, кураш ва бошқа спорт турлари учун 6 та спорт зали, 1 та ёпиқ ва 1 та очиқ сув ҳавзаси бунёд этилган. Шунингдек, спортчилар учун яшаш жойлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари бор. Бошқача қилиб айтганда, у ўзига хос кичик спорт шаҳарчасидир.

Яна бир йирик спорт иншооти «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳисобланади. Мазкур иншоотнинг қурилиши республика ва вилоят касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан амалга оширилди. «Универсиада-2004» иншоотларини бунёд этишда шаҳардаги барча қурилиш ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшишди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳридаги «Локомотив», «Динамо» стадионлари ва бошқа ўйингоҳлар, Тойлоқ, Жомбой, Самарқанд, Булунғур туманларидаги стадионлар сифатли таъмирдан чиқарилди. Самарқанд шаҳридаги барча ўқув юртларининг, бир қанча коллежларнинг спорт мажмуалари қайта жиҳозланди. Айниқса, Самарқанд Давлат университети ҳамда Иқтисодиёт ва сервис институти спорт заллари-нинг халқаро андозаларга мос тарзда жиҳозланиши таҳсинга сазовор. Мусобақалар шарофати билан Самарқанд бетакрор спорт иншоотларига эга бўлди. Бу самарқандлик спортчи ёшларга узоқ йиллар хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, тайёргарлик жараёнида Самарқанд шаҳридаги барча олий ўқув юртлари ва коллежларининг ётоқхоналари тўлиқ таъмирланди, қайтадан жиҳозланди. Кўпгина ётоқхоналар эндиликда юқори талабларга мос келади. Ҳар бир алоҳида хонада меҳмонхоналардаги каби шароитлар яратилган. Алоқа, ахборот воситалари билан таъминланган. Маданий-маиший хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Энг муҳими, бу ишларнинг ҳаммаси ўқув юрт ларининг ўз кучлари билан амалга оширилди.

Бугун Самарқанд байрам либосини кийган десак муболаға бўлмайди. Обод кўчалар, яшнаб турган гулзорлар, ҳилпираётган байроқлар бунинг тимсолидир. Ўнлаб корхоналарнинг «Универсиада-2004» рамзи туширилган маҳсулотлари юртдошларимиз эътиборини тортмоқда. Хуллас, бу улкан спорт байрамидан ҳеч ким четда қолмаган. Ўзбек спортини яна бир поғона юқори кўтарган Афина Олимпиадасининг руҳи, шиддати, юртимиз мустақиллиги тантаналарининг шукуҳи «Универсиада-2004» мусобақаларига бутун кўчгандек, гўё. Дилларда ҳаяжон, умид ва ишонч жўш ураяпти. Салом «Универсиада»! Салом Ёшларнинг бетакрор спорт байрами!

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон кубоги

«ТРАКТОР» ВА «ПАХТАКОР» ФИНАЛДА

Футбол ишкибозларини бу ойда кўплаб марокли ўйинлар кутмоқда. 8-сентябр куни Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш бахсларида Фаластин терма жамоасига қарши майдонга тушади. Ўсмирларимиз эса кеча Японияга учиб кетдилар. Улар кунчикар мамлакатида Осиё чемпионати беллашувларида иштирок этишади. Рауф Инилиев шогирдлари бўлмиш ёшларимиз эса бугун-эрта сафарга отланадилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон чемпионати ўйинлар жадвалида кичкина танаффус бўлади.

Куни кеча Тошкент ва Фарғонада Ўзбекистон кубоги учун ярим финал ўйинларининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. «Трактор» ўйингоҳида мезбонлар Муборакнинг «Машъал» жамоасини қабул қилди. Маълумки, Муборакда кечган биринчи ўйинда мезбонлар 3:2 ҳисобида зафар қучгандилар. Жавоб ўйинида тракторчиларни кичик ҳисобдаги ғалаба ҳам қониқтирарди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларигача ана шундай ҳисоб ушланиб турди. Аниқроғи, Илҳом Мўминжонов киритган биргина тўп учрашув тақдирини ҳал қилиб турганди. Бироқ ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Павел Соломин томонидан рақиб жамоа дарвозасига киритилган гол ҳисобни 2:0 га етказди. Шундай қилиб, «Трактор» футболчилари ўз тарихларида илк бора финалга йўл олдилар.

Ярим финалнинг яна бир ўйини «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечди. Биринчи ўйинда пахтакорчилар кичик ҳисобда ғалаба қозонганди. Шу боис Фарғонада бўладиган ўйиннинг қизиқарли ўтиши кутилаётганди. Пахтакорчилар бу ўйинга жиддий тайёргарлик билан келишди. Уларнинг таркибида Владимир Шишеловнинг пайдо бўлиши ҳужумкорликни оширди. Шу билан бирга у «Пахтакор» таркибидаги тўртинчи голини ҳам нишонлади. Учрашувда 1:2 ҳисоби қайд этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон кубоги финалида икки пойтахт жамоаси куч синашади. Кубок кимга насиб этади? Беш карра мамлакат кубоги соҳиби пахтакорчиларгами ёки «Трактор» футболчиларига? Бу саволга 1-октябр куни жавоб оламиз.

Абдулҳай ЮНУСОВ

Курашимиз фидойилари

АБДУЛАЗИЗ ПОЛВОН

Бу воқеага ўн йилча бўлди. Чамаси, ўшанда йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказиладиган анъанавий ҳосил байрами томошалари давом этаётганди. Машраб номли боғдаги тадбирда навбат фарғонача курашга етди. Ўртага шоп мўйлов полвон мускулларини ўйнатди.

- Тожикистондан келган полвон акамиз ... -, дея эълон қилди суҳандон.

Полвон даврани икки-уч бор айландики, ҳеч ким майдонга тушмади. Суҳандон эса таклифи ҳамон қайтарарди. Ниҳоят, мендан салгина нарида турган, бир энлик келиб-келмайдиган тақасимон соқоли ўзига ярашган киши қорамтир костюмини ечиб шеригига узатди-да ўртага чиқди.

Жилмайиб, ўнг қўлини кўксига қўйганича меҳмоң рақиб қошига етиб бориб, эгилиб сўрашди. Шоп мўйлов полвон эса шеригининг унча йирик бўлмаган жуссасига, кулиб турган юзларига беписанд назар ташларкан, бармоқларинигина чўзди ва унинг бу қилиғи ҳар кимда ҳар хил таассурот қолдирди.

- Меҳмонга ачиняпман, Абдулазиз полвоннинг жуссаси ихчамлиги учун назарга илмай янглишяпти, - қўшним бошини сараклатди.

Чап тарафдаги одам эса:

- Абдулазизга қийин бўлади. Рақибининг сумбатини кўряпсизми, нақд ўн пуд келади-я, - деб бошини сараклатди.

Меҳмон полвон дастлабки бел олишдаёқ рақибининг гавдасига қараб коптокдек ирғитиб юбормоқчи бўлди чамаси, бир-икки бор уриниб, рақибнинг қўллари басавлат жисмини чирмовикдек тобора қисиб келаётганига ҳайрон бўлганича бир-икки силтанди-да ҳушёр тортиб қолди. Ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, жунбушга келгандек қийқирди ва рақибини икки бор айлантириб ташламоқчи бўлди. Аммо бунинг уддасидан чиқолмади. Абдулазиз полвон мушукдек чаққонлик билан оёқда турганича курашни давом эттира берди. Меҳмон учинчи бор қийқирганида қандай ҳол юз берганини кўпчилик, очиғи мен ҳам англамай қолдим. Кимдир гурсиллаб йиқилди-ю, томошагоҳ бир дақиқа сув сепилгандек жимиб қолди, сўнг қарсак овози тутди. Не ажабки, ерда Абдулазиз полвон эмас, ҳалиги шоп мўйлов полвон ётар, мезбон эса уни турғазишга ҳаракат қилар, кийимларига ёпишган чанг-тўзонни артарди. Меҳмон ҳам мард экан, ўрнидан тургач шеригини қучоқлаб ўпди ва чуқур ҳурмат нишонаси сифатида қўш белбоғдан бирини ечиб рақибининг белига боғлаб қўйди.

Олқишлаётган томошабинларга қайта-қайта таъзим қилаётган Абдулазиз Каримовга тикиларканман ниҳоят эсладим. Ахир, уни вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раёсатининг болалар спортини ривожлантиришга бағишланган йиғилишида кўргандим-ку. Ўшанда у ўзи директорлик қилаётган спорт мактаби фаолияти бўйича ҳисоб берганди.

Аслида полвонлик А.Каримовнинг қонида бор. Отаси ҳам, бобоси ҳам тўйларда, томошаларда кураш тушиб юрган. Ўзи ҳам мактаб ўқувчилиги давридаёқ синфдошлари-ю тенгдошларидан енгилмаган. Тўрт йиллик хизматдан қайтгач, Фарғона савдо техникумига ўқишга кирди. Ўзининг айтишича, ўқиш ўрнига кўп вақтини спорт беллашувларида, сафарда ўтказди. Қўлига «савдо ходими» деган гувоҳномани олгач ҳам ўз ўрнини пештахта ортида эмас, балки спорт беллашувлари ўтказиладиган майдонда деб билди. Мактабларда болаларга жисмоний тарбиядан сабоқ берди. Ниҳоят, Наманган педагогика институти (ҳозирги Наманган Давлат университети)нинг жисмоний тарбия факультети сиртқи бўлимига имтиҳон топширди. Ўқишни тугаллагач, вилоят касаба уюшмалари Кенгашига қарашли 4-спорт мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади, сўнгра директорликка тайинланди.

А.Каримовнинг спорт, аниқроғи, белбоғли кураш бўйича фаолияти билан танишсангиз, ҳавас қилгулик. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, қўшни республикалар пойтахтлари, ҳатто олис шаҳарларда ўтказилган кураш мусобақаларида иштирок этиб, кўплаб мукофотлар, совринларни қўлга киритган.

Дарё ҳар қанча жўшқин бўлмасин, маълум паллага бориб тинади, жимирлаб оқишга тушади. Худди шу даврда унинг табиатга, оламга етказадиган нафи кўпроқ бўлади. Шу сингари Абдулазиз Каримов ҳозир гарчанд майдонга бел боғлаб тушмаётган эса-да, жамиятга етказаётган нафи баракали бўлаяпти. Аввало, унинг қўлида таълим олиб чиққан Асқарали Раҳмонов, Шарифбой Аҳмадалиев, Неъматжон Маматалиев, ака-ука Раҳимбой ва Каримбой Йўлдошевлар республикада танилган полвонлардан ҳисобланса, у раҳбарлик қилаётган спорт мактабида таҳсил олаётган ёшлар мамлакат ва халқаро миқёсдаги беллашувларда она Ўзбекистонимиз номини жаҳонга танитмоқдалар. Чунончи, Нодир Юнусов, Беҳзод Алиев, Гулбаҳор Дадабоева каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. Қолаверса, улар сафига Алишер Халилов, Ҳамид Қутбиддинов, Зоҳида Каримовалар қўшилгани ҳам вилоят спорт ишқибозлари бошини кўкка етказди. Бундай мисоллар анчагина.

Мақоламиз сўнгида шуни қўшимча қилмоқчимизки, Абдулазиз аканинг фарзандлари ҳам Каримовлар оиласига хос полвонлик анъанасини давом эттиришмоқда. Катта ўғли Абдуҳамид танилган полвонлардан. Кичик ўғли, хизмат кўрсатган спорт устаси Абдусатторни ҳам вилоятда абжир курашчи сифатида билишади.

О.ОБИДОВ

Меҳнаткашлар, ишчи-ҳодимлар ҳамда талаба ёшлар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини йўлга қўйиш, иқтидорли спортчиларни тарбиялаш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири. Соғлом авлодни камолга етказишдек ўта муҳим ва масъулиятли ушбу вазифани муваффақият билан адо этишга вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳам муносиб улуш қўшиб келаётир.

Турли соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш мақсадида вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Тармоқ қўмиталари вилоят спартакиадалари ҳамда касаба уюшмалари ташаббуси билан ташкил қилинаётган

бошқа турли мусобақа ва турнирларни юксак савияда ўтказиш учун жамиятимиз мутахассислари яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Шунинг учун ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари ўртасидаги миллий кураш бўйича республика турнирида вилоятимиз полвонлари кетмакет уч маротаба ғолиб бўлишди. Натижада касаба уюшмалари тармоқ вилоят қўмитасига турнирнинг кўчма кубоги топширилди.

Вилоятдаги турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, спорт федерациялари ва жамғармалар билан биргаликда кўплаб спорт тадбирлари ўтказиб келяпмиз. Масалан, ўтган йили биргина Қарши шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда ўндан ортиқ мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда мусобақаларга болалар ва ўсмир ёшларни кенгроқ жалб этишга катта эътибор қаратилди.

Қарши шаҳридаги «Чармгар» маҳалласи ҳудудидаги ташландиқ жой жамиятимиз ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ташаббуси билан ажойиб спорт майдончасига айлантирилди. Ҳозирги кунда бу ерда мураббийларимиз қизғин иш олиб боряпти. Дарвоқе, мураббийларимизнинг кўпчилиги маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият юритиб, маҳалла қўмиталарига жойларда спорт ишларини йўлга қўйишда катта амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Иқтидорли ёшлар - юрт ифтихори. Негаки, айнан улар эрта-индин Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя этишади, юрт довруғига довруқ қўшишади. Тасарруфимиздаги спорт мактабларида юзлаб ёш ўғил-қизлар спортнинг бокс, самбо, дзюдо, енгил атлетика, миллий кураш ва футбол турлари бўйича олиб борилаётган машғулотларда қатнашишяпти. Уларга қирққа яқин малакали мутахассис мураббийлик қилмоқда. Бу йил яна бир хайрли ишга қўл урдик. Қарши шаҳрининг марказий «Насаф» ўйингоҳи ҳудудидаги спорт залида БЎСМнинг қўл тўпи бўлими иш бошлади. Ҳозирда унда 50 нафардан ортиқ ёшлар қўл тўпи сирларини ўрганишяпти. Айтиш жоизки, ёш спортсеварларнинг шашти ёмон эмас: ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча маҳоратлилари сараланиб қолди.

Маълумки, ёш спортчилар маҳоратини сайқаллаштириб боришда мусобақалар муҳим рол ўйнайди. Шу боис БЎСМ ва футбол мактабимиз ўқувчилари иштирокида кузги ва қишки таътил вақтида, Наврўз, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Мустақиллик байрамларида ҳар-хил мусобақалар ўтказиляпти. Шу ўринда фахр билан таъкидлаш керакки, меҳнатларимиз ўз самарасини бермоқда. Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати совриндорлари Жаҳонгир Эшонқулов, Наврўз Жўрақобилов сингари ўнлаб ўқувчиларимиз вилоят касаба уюшмалари фахрига айланган.

Бу йил ёш спортчиларимизнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратдик. Ёзги соғломлаштириш мавсумида 300 нафардан ортиқ ўғил-қиз Яккабоғ туманининг энг сўлим масканида жойлашган Йўлдош Охунбобоев номли оромгоҳда мароқли ҳордиқ чиқарди.

Вилоятимизда 22 та энг оммавий спорт тури тобора ривожланиб боряпти. Бу спорт турлари билан 15 минг нафардан ортиқ киши шуғулланмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт клублари сони еттитага етди. Айни вақтда янги спорт клубларини ташкил қилиш борасида амалий ишлар олиб бориляпти.

Қарши шаҳридаги «Насаф» ҳамда Ғузордаги «Ғузор» стадионлари касаба уюшмалари тизимига қарашли бўлиб, мазкур ўйингоҳларда мамлакат чемпионати ва биринчилигида қатнашаётган «Насаф», «Шўртан» футбол жамоалари ўйинларини ўтказади. «Миллионлар ўйини» ихлосмандлари сонини ошириш, томошабинларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бирмунча ишларни амалга оширяпмиз. Чунончи, ҳозирги пайтда 15 ёшгача бўлган болалар футбол ўйинларини бепул томоша қилишмоқда.

Кези келганда, вилоят спортини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар тўғрисида ҳам тўхталсам. Ёшларимиз билан кўнгилдагидек машғулотлар ўтказиш, улар маҳоратини оширишга кўп ҳолларда спорт жиҳозлари етишмаслиги муаммоси юзаға чиқмоқда. Негаки, бозорлардаги спорт жиҳозларининг нархи анча қиммат, арзонларининг эса сифати паст. Ютуқларимизга соя солаётган яна бир муаммо шуки, кейинги пайтда ширкатларнинг фермер хўжаликларига айлантирилиши билан спорт йўриқчилари штати қисқартириб юборилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, спорт билан шуғулланувчилар сонининг камайишига, иншоотларнинг қаровсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Қодир ТУРДИЕВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси

Оммавийликдан маҳорат сари

ШИЖОАТ

«Аския деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши 2004 йил 15 сентябрда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси 52ª-уй.

Мажлис соат 11.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 10.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1.«Аския деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йилнинг 1-ярим йиллик якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.

2. «Аския деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йилга тасдиқланган иш режаси (бизнес план)нинг 1-ярим йиллик якунлари бўйича бажарилиши ҳақида.

3.Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

4.Жамиятнинг 2004 йилга тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси»-га ўзгартириш киритиш ҳақида.

5.2000-2001 йил якунлари бўйича жами 1526307 сўмлик депонент дивидендларни жамият фойдасига олиш ҳақида.

6.Жамият Низом жамғармасини шакллантиришни қайта кўриб чиқиш масаласи.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 5 сентябр ҳолатига биноан тузилади.

Мурожаат учун телефон: 55-27-44

Кузатув Кенгаши

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги 2004 йил 5,12,19,26 октябр ва 2 ноябр кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг биносида соат 10.00 да аукцион савдоларини ўтказади.

1)Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилояти, Тошкент тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳрида жойлашган «Тимекс-Сервис» МЧЖ га қарашли «Шоҳрух» гузар (кафе) биноси умумий қурилиш майдони 804,36 кв.м. **бошланғич нархи 83 878 567 сўм.**

2)Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилоят, Тошкент тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Г.Умаров ш/х, Ҳиёбон-1 кўчаси, 20-А уйда жойлашган Толипов Фахриддинга қарашли савдо дўкони биноси умумий қурилиш майдони 131,1 кв.м. **бошланғич нархи 3 280 311 сўм.**

3) Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилоят, Тошкент тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўк-сарой К.Ф.Й.Шифобахшли сувлар кўчасида жойлашган «Тошкент» ш/хга қарашли омборхона биноси ярим подвал билан умумий майдони 774,20 кв.м. **бошланғич нархи 5 873 071 сўм.**

4) Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилоят, Тошкент тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Тошкент туманида жойлашган «Тулабий» ш/хга қарашли ҳаммом биноси қозонхона умумий майдони 661,8 кв.м. **бошланғич нархи 8 308 100 сўм.**

5) Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар, Сергели тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, жанубий ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган «Текамак» ЧПКФга қарашли тажриба лабораториясининг бино ва иншоотлари умумий майдони 266,7 кв.м. **бошланғич нархи 9 508 300 сўм.**

6) Суд қарорларини ижро этиш судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳар, Тошкент кўчасида жойлашган «Тўлқин Малик» хусусий фирмасига қарашли «Техник хизмат кўрсатиш шохобчаси»нинг умумий қурилиш майдони 1025,6 кв.м. **бошланғич нархи 8 001 873 сўм.**

Қуйида кўрсатилган объектга 5,12,19,26 октябр ва 2 ноябр кунлари ўтказилган аукцион савдоларида харидор топилмаса ва ҳужжатлар тўплами Суд ижрочиларига қайтарилмаса, у ҳолда, ушбу объект кейинги аукцион савдоларига қўйилиб сотилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар 138-69-70, 138-69-93

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 1017 23456